ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭНЕРГОСАМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

# ЭНЕРГОСАМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Ялпи ички маҳсулотда энергоресурслар улушининг ривожланган давлатларга нисбатан 3 баробар юқорилиги;

Ишлаб чиқаришда эски энергосамарадорлиги паст, жисмонан эскирган технологиялардан фойдаланишда давом этилаётганлиги;

Иқтисодиёт ва аҳолининг энергоресурсларга нисбатан ошиб бораётган талабини қондириш;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

# НАТИЖАЛАР

Жахон банки билан биргаликда 2011-2015 йилларда «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш“ Лойиҳаси жорий этилган ва 25 млн. долл. (1-Фаза) ажратилган.

2013 йилда қўшимча 100, млн.доллар микдорида маблаг (2-Фаза) молиялаштириш жорий этилди.

Натижада умумий 82 та инвестицион лойиҳа амалга оширилмокда ва бу йилига 505,1 млн.кВт.с. электр энергияси ҳамда 187,3 млн.м3 табиий газ иқтисод қилишга имконият яратади.

# 2018 йилда ҳудудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чикаришдаги улуши,%



# ИСТИҚБОЛЛАР

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан кичик ишлаб чиқариш корхоналарни ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча пул маблағларини ажратиш юзасидан доимий музокаралар олиб борилмоқда.

Натижада 2018 йил 30 январида Жаҳон банкининг директорлар Кенгаши томонидан  лойиҳа доирасида қўшимча 200 млн.долл. миқдорида маблағ ажратилиши маъқулланди ва 2018 йил 2 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг 785 сонли Қарори қабул қилинди ва ушбу маблағлар 6та иштирок этувчи банклар орқали молиялаштириши назарда тутилган.

# ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Битта сублойиҳага **10 млн.долл.гача** ва бир соҳадаги сублойиҳалар гуруҳига **30 млн.долл.гача** кредит маблағлар ажратилиши;

Корхона-ташкилотнинг охирги **2-йиллик** молиявий ҳисоботи фойда билан якунланган бўлиши;

Амалга оширилаётган сублойиҳанинг энергосамарадорлиги йиллик истеъмолидан **20% дан кам** бўлмаслиги керак.

# Иштирок этувчи тижорат банклар (ҲТТБ)

млн.долл.

| № | Тижорат Банки | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Саноат курилишбанки» | 5 | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 2 | «Асакабанк» | 5 | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 3 | «ТИФ Миллий банки» | 5 | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 4 | «Ҳамкорбанк» | 2,5 | 5 | 7,5 | 7,5 | 2,5 | **25** |
| 5 | «Infinbank» | 1,2 | 2,4 | 3,6 | 3,6 | 1,2 | **12** |
| 6 | «Asia Alliance Bank» | 1,2 | 2,4 | 3,6 | 3,6 | 1,2 | **12** |

# АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Шу билан бирга, 2018 йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Республикаси ва Европа инвестиция банки билан ушбу лойиҳа доирасида энергия самарадорлигини ошириш суб-лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида молиявий битим имзоланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 28 июндаги 541 сонли қарорига мувофиқ, 100,0 млн. евро миқдоридаги қўшимча маблағ жалб этилиши ва 5та иштирок этувчи банклар орқали молиялаштириш  назарда тутилган.

# Иштирок этувчи тижорат банклар (ЕИБ)

млн. евро

| № | Тижорат Банки | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Саноат курилишбанки» | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 2 | «Қишлоқ қурилиш банк» | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 3 | «Хамкорбанк» | 10 | 15 | 15 | 5 | **50** |
| 4 | «Asia Alliance Bank» | 5 | 7,5 | 7,5 | 2,5 | **25** |
| 5 | «Микрокредитбанк» | 2,4 | 3,6 | 3,6 | 1,2 | **12** |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780 ФАРМОНИГА МУВОФИҚ

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилган булиб:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2019 йил 13 августдаги ПҚ-4417 СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ

Агентлик қошида жамғарма ташкил этилиб кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш асосан кафилликлар ва кафолатлар шаклида, бошқа ҳолларда эса тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида амалга ошириш белгиланган;

## ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАСИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| № | Соҳалар | Лойиҳалар сони | Лойиҳа қиймати, млн.долл. | | | Йиллик энергия тежаш (ўртача) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | ш.ж. Жахон банки ҳисобидан | электр-энергия, млн.квт/с | табиий газ, млн.куб.м. | **Жами, млрд.сўм** | ***электр-энергия, млрд.сўм (~400 сўм)*** | ***Табиий газ, млрд.сўм. (~600 сўм)*** |
| 1 | Узбекнефтегаз | 12 | 41,9 | 33,5 | 154,1 | 95,7 | **119,0** | ***61,6*** | ***57,4*** |
| 2 | Навои КМК | 4 | 7,8 | 6,2 | 58,8 | 0,0 | **23,5** | ***23,5*** | ***0,0*** |
| 3 | Электр энергетика | 9 | 17,5 | 12,0 | 30,9 | 0,0 | **12,4** | ***12,4*** | ***0,0*** |
| 4 | Узкимесаноат | 15 | 29,8 | 23,8 | 129,9 | 42,0 | **77,1** | ***52,0*** | ***25,2*** |
| 5 | Олмалик КМК | 4 | 6,8 | 5,4 | 55,0 | 17,9 | **32,7** | ***22,0*** | ***10,7*** |
| 6 | Узметкомбинат | 10 | 10,2 | 7,8 | 23,4 | 0,0 | **9,4** | ***9,4*** | ***0,0*** |
| 7 | Узқурилишматериаллари | 17 | 24,4 | 17,8 | 43,1 | 18,9 | **28,6** | ***17,2*** | ***11,4*** |
| | ш.ж. цемент ишлаб чиқариш | 14 | 21,9 | 15,8 | 32,3 | 18,7 | **24,1** | ***12,9*** | ***11,2*** |
| 8 | Узпахтасаноат | 2 | 3,3 | 2,2 | 3,1 | 0,0 | **1,2** | ***1,2*** | ***0,0*** |
| 9 | Узвинсаноатхолдинг | 3 | 2,1 | 1,7 | 2,4 | 0,0 | **1,0** | ***1,0*** | ***0,0*** |
| 10 | Озиқ-овқат саноати уюшмаси | 4 | 3,3 | 2,7 | 2,1 | 11,5 | **7,7** | ***0,8*** | ***6,9*** |
| 11 | УзКТЖМ | 2 | 0,6 | 0,5 | 2,3 | 1,7 | **1,9** | ***0,9*** | ***1,0*** |
| 12 | Хусусий саноат сектори | 18 | 121,5 | 48,4 | 45,5 | 45,8 | **45,7** | ***18,2*** | ***27,5*** |
| | **ЖАМИ** | **100** | **269,5** | **162,1** | **550,5** | **233,5** | **360,3** | ***220,2*** | ***140,2*** |

- Жаҳон банкининг 133 млн. долл. мавжуд, Европа инвестицион банкининг 100 млн. евро миқдоридаги янги кредит линияси жалб қилинмоқда.

- “Ўздонмаҳсулот” АЖ биронта лойиҳаси йўқ, Озиқ-овқат саноати уюшмасининг иштироки суст.

- Ҳудудларда тўқимачилик, озиқ-овқат, қайта ишлаш ва қурилиш соҳаларидаги йирик ва хусусий корхоналарни кенг жалб қилиништи мақсадга мувофиқ бўлади.

# ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШДА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1) Хар бир иштирок этувчи банкни ўз маблағларидан молиялаштириш қисми 25 фоиздан кам бўлмаган талабини ҳар бир субкредитдан эмас балки **субкредитлар портфелининг умумий қийматидан** ҳисобга олиш.

*Изоҳ: Хозирги кунда молиялаштириш пропорцияси контракт (суб-лойиха) доирасида амалга оширилмоқда. Иштирок этувчи банкни ўз маблағларидан молиялаштириш қисми 25% субкредитлар портфелининг умумий қийматидан белгилан тақдирда, Жахон банки кредит линияси жозибадорлиги ошиши мумкин, хамда иштирок этувчи банклар ва мижоз ўртасида кредит шартномларида икки хил манбаидан олинаётган маблағ фоиз белгилаш нокулайликлари хам йўқолади.*

# ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШДА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

2) Исломий молиялаштириш талабларига мувофиқ лизинг тартибда молиялаштиришга рухсат бериш.;

*Изоҳ: Мижозлар талабларига биноан. (Масалан, Осие Альянс Банкга бир неча маротаба мурожаат килинган)*

## ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШДА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

3) Саноат корхоналарида **қайта тикланадиган энергия манбаларини** жорий этишга маблағлар ажратиш;

*Изоҳ: Хозирги кунда ушбу ускуналардан фойдаланиш долзарб бўлиб, тадбиркорлар томонидан рақобатбардош қайта тикланадиган энергия манбаиларни ишлаб чикариш масаласига қизиқмоқда. Шу йўналишга кредит маблағларни ажратиш ва тадбиркорликни куллаб кувватлаш мақсадга мувофиқ ва иқтисодиётни энергия самарадорлигини оширишда ўз ҳиссасини қўшади.*

# ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШДА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

4) Хар бир тижорат банкга Лойиҳа доирасида ажратилган маблағдан 0,5 фоизгача булган маблағларни саноат корхоналарида **энергоаудит ўтказиш учун** йўналтириш;

*Изоҳ: Энергия самарадорлиги бўйича потенциал кичик лойиҳаларни аниқлашнинг асосий воситаси - бу энергия аудитини ўтказишдир. Йирик корхоналарда ушбу масала билан шуғулланадиган алоҳида мутахассислар бўлишига қарамай, корхоналарда, шу жумладан кичик ва ўрта бизнесда, ихтисослашган компания - маслаҳатчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан нафақат ускуналар сотиб олиш, балки саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ўрганиш учун ҳам кредитлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.*

# ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги сайтида:

  https://mineconomy.uz/uz/info/373
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палата сайтида:

  http://www.chamber.uz/ru/news/3462
- Telegram-kanal: @UZEEF
- Инстраграм: instagram.com/uzeef_project
- Facebook: clck.ru/Fwjjz
- Иштирок этувчи банклар сайтлари

**Лойихани мувофиқлаштириш гуруҳи**

- 71 232 64 19

**Электрон почта:**

uzeef4745@gmail.com